

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD 03/30. 12. 2019. Fil/PED 83.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ХАЛҚ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ РАҲБАР ВА МУТАХАССИС
ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ИНСТИТУТИ**

ТОШБОЕВА БАРНОХОН ОДИЛЖОНОВНА

**БОШЛАНГИЧ СИНФЛАРДА ЧЕТ (ИНГЛИЗ) ТИЛИ ЎҚИТИШ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (инглиз тили)

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Тошбоева Барнохон Одилжоновна

Бошланғич синфларда чет (инглиз) тили ўқитиш технологияларини
такомиллаштириш 3

Тошбоева Барнохон Одилжоновна

Совершенствование технологии обучения иностранному (английскому)
языку в начальных классах 27

Toshboyeva Barnokhon Odiljonovna

Improving foreign (English) language teaching technologies in primary stages ... 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 53

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD 03/30. 12. 2019. Fil/PED 83.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ХАЛҚ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ РАҲБАР ВА МУТАХАССИС
ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ИНСТИТУТИ**

ТОШБОЕВА БАРНОХОН ОДИЛЖОНОВНА

**БОШЛАНГИЧ СИНФЛАРДА ЧЕТ (ИНГЛИЗ) ТИЛИ ЎҚИТИШ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (инглиз тили)

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/Ped428 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Халқ таълим тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.samdhti.uz ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида www.ziynet.uz жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Юсупова Шохид Жалолиддиновна педагогика фанлари доктори, профессор
Расмий оponentлар:	Ҳошимова Дилдора Уринбоевна педагогика фанлари доктори, профессор Шомуродова Шахло Жаҳоновна филология фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат чет тиллар институти ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «12» август соат 10 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел: (99866) 238-29-37; факс: (99878) 210-00-18; e-mail: info@samdhti.uz.

Диссертация билан Самарқанд Давлат чет тиллар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 6500 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел: (99866) 238-29-37.

Диссертация автореферати 2021 йил «26» июль куни тарқатилди.
(2021 йил «26» июль даги №27 рақамли реєстр баённомаси).



И.М. Тухтасимов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси педагогика фанлари доктори, профессор

Ш.С. Ашуров
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, филология фанлари номзоди, доцент

Ш.С. Сафаров
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда инглиз тилини чет тил сифатида ўқитиш мазмунини такомиллаштириш, инглиз тилини ўқитишнинг хусусий масалалари, ўқитиш методикасида хорижий тажрибалардан фойдаланишга бўлган эҳтиёжни янада кучайтирмоқда. Жумладан, дунёдаги етакчи Кембриж, Оксфорд, Торонто, Ванкувер университетларининг лойиҳалари, Бостондаги авлиё Джон, Данверс, Чехиянинг Мендель, Ирландиянинг Гаэлскойл Юхейн мактабларида олиб борилган тадқиқотлар кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларга чет тилни ўргатишда ўқувчиларнинг психологик хусусиятлари, индивидуал характери ва ўрганиш стратегияларини ҳисобга олиб ўқитиш, Гёте институтида кичик мактаб ёшида чет тилни маданиятлараро мулоқот воситаси сифатида ўқитишга алоҳида эътибор қаратилган. Чет тилни ўргатиш самарадорлигини оширишда ўқув-услубий адабиётлар таркиби, тузилиши ва мазмунини халқаро талабларга мувофиқлаштириш муҳим омилдир. Шу ўринда барча таълим муассасалари фаолиятида қутилган натижаларга эришиш, сифат ва самарадорликни ошириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон амалиётида кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларга чет тилни ўқитиш технологияларини такомиллаштириш борасида кўплаб илмий изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, PIRLS (Progress in International Reading Literacy Study) халқаро ўқиш саводхонлиги таълими тараққиёти, ENC (English national curriculum) инглиз тили миллий дастури, EGRA (Early grade reading assessment) бошланғич синфларда ўқиш кўникмаларини баҳолаш, PISA (Program for International Student Assessment) чет тилни халқаро баҳолаш дастурлари асосида илмий тадқиқотлар олиб бориш алоҳида аҳамиятга моликдир. Тил саводхонлигини юқори стандартларга олиб чиқиш бўйича хорижий тажрибаларни ўрганиш ва ҳамкорлик тадқиқотларини олиб бориш заруриятга айланганини изоҳлайди.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда етук, юқори малакали, замонавий фикрлайдиган ёш авлодни шакллантиришга қаратилган чет тилларни ўқитишнинг комплекс тизими яратилмоқда. «Мамлакатимизда хорижий тилларни ўргатиш бўйича келажак учун мустаҳкам пойдевор бўладиган янги тизимни йўлга қўйиш вақти-соати келди. Биз рақобатдош давлат қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эканмиз, бундан буён мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юрти битирувчилари камида 2 та чет тилини мукамал билишлари шарт. Бу қатъий талаб ҳар бир таълим муассасаси раҳбари фаолиятининг асосий мезонига айланиши лозим»¹. Ўзбекистоннинг очиклик сиёсати, дунё бозорига фаол кириб бораётгани, барча соҳаларда халқаро ҳамкорлик кенгаяётгани хорижий тилларни билишга эҳтиёжни оширмоқда. Чет тилларини чуқур ўргатиш мақсадида туман ва шаҳарларда мактаблар танлаб олиниб, ушбу мактабларда хорижий китоблар, илғор ўқув дастурлари

¹Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 2021 йил 6 май куни чет тилларини ўқитиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор сўзлаган нутқи.

ва методикаларидан эркин фойдаланиш ҳамда фанларни чет тилда ўқитиш йўлга қўйилиш каби муҳим вазифалар белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил, 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил, 5 сентябрдаги ПФ-5538-сон «Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2019 йил, 29 апрелдаги ПФ-5712-сон «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил, 3 майдаги ПҚ-4306-сон «Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил, 20 февралдаги ПҚ-4199-сон "Президент мактабларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида", Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил, 8 майдаги 124-сон «Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда тилларни ўқитиш методикаси масалалари билан Ж.Ж.Жалолов, М.Джусупов, Г.Т.Маҳкамova, Т.К.Сатторов, Л.Т.Аҳмедова, Д.У.Ҳошимова, В.И.Андрянова, Ф.М.Рашидова ва бошқалар шуғулланишган².

Чет тилларни бошланғич синфларда ўқитиш муаммолари Б.Г.Кулматов, И.М.Тўхтасинов, Ф.Алимов, Ғ.Таджибаев, Г.Собирова, Д.Таджибаева, Ш.Акбарова, М.Мухитдинова, Г.Азизоваларнинг методика соҳасидаги ишларида тадқиқ этилган³.

² Jalolov J.J., Makhlamova G.T., Ashurov Sh.S. English Language Teaching methodology. – Tashkent: Fan va texnologiya, 2015. – 336 p.; Джусупов М. Лингводидактика и методика в полинаучной системе языкового образования // Русский язык. 2009. № 2. -С.37-41.Ахмедова Л.Т. Теория и практика обучения профессиональной русской речи студентов-филологов. – Ташкент: Fan va texnologiya, 2013. – 200 с.; Сатторов Т. Формирование профессиональных умений будущего учителя иностранного языка на практических занятиях по специальности (на материале английского языка) док.дисс. автореф 2000 й, 32 б., Ҳошимова Д.У. Лингводидактические основы изучения лакун в контексте современного функционирования русского языка и межъязыковой взаимодействий: док. дисс. 2007. – 209 б; Джусупов М. Русский и английский языки в системе школьного полилингвального образования в Узбекистане. Русский язык зарубежом/ специальный выпуск / 2017. С. 50-57.

³ Тўхтасинов И.М-Таржимон тайёрлашда касбий компетенцияларни эквивалентлик ходисаси асосида ривожлантириш . пед. фан. бўйича фалсафа док. (DS) дисс. –Тошкент, 2018, с 39. Кулматов Б.Г. Инглиз тилини инновацион технологиялар ёрдамида ўқитишда CEFR мезонларидан фойдаланишнинг назарий асосларини такомиллаштириш: Автореферат. Пед.фан. бўйича фал. док., - Тошкент, 2018. – 45 б. Алимов Ф. Ш . Инглиз тилида ёзув компетенциясини шакллантириш (нофилологик факультетлар мисолида) - Тошкент,

Умумий ўрта таълим мактабларида психологик ёрдам кўрсатишнинг илмий-амалий жиҳатлари Н.И.Халилова, Г.Р.Тожибоева, З.А.Абдурахмонова, Н.Х.Мажидова, Н.С.Лейтес, М.Баграмянц, В.Н.Афанасьевалар ва бошқаларнинг илмий изланишларида тадқиқ этилган⁴.

Чет тилларни бошланғич синфларда ўрганиш ва ўргатишнинг педагогик ва психологик асослари М.М.Ваҳобов, Н.К.Аҳмедова, Р.Б.Ярматов, Ш.Н.Тойлоқова, О.Р.Жамолдинова, Б.Х.Ходжаев, Б.Ш.Шермухамедовлар ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган⁵.

МДХ давлатларида Н.В.Акинина, В.В.Левченко, Т.М.Стручева, Е.И.Тарасова, Е.Г.Иванова, В.Б.Рамазановаларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.⁶

2018. – 63 б, Сабирова Г.С.- Умумтаълим мактаблари ўқувчиларига инглиз тили олмошларини ахборот технологиялари асосида ўргатиш методикаси. Автореферат. Пед.фан. бўйича фал. док., - Тошкент, 2017. – 65 б, Тажибаев Г. Ш. Бошланғич синф ўқувчиларига чет тил ўқитишда коммуникатив ёндашув.- 2018.- 57 б

Таджибаева Д.А. Кичик мактаб ёшидаги болаларнинг чет тили коммуникатив компетенциясини шакллантириш (немис тили мисолида). - доктори дис.автореф. – Тошкент, 2020. – 53 б. Акбарова Ш.А. Мактабгача ёшдаги болаларга инглиз тили лексикасини ўргатиш методикаси. Автореф. пед.фан.бўйича фалсафа док. дис. – Тошкент, 2020. – 54 б.; Мухитдинова М.Р.Умумий ўрта таълим мактаби битирувчиларини инглиз тилига масофавий ўқитишнинг усул ва воситалари. Автореф. пед.фан.бўйича фалсафа док. дис. – Тошкент, 2020. – 51 б; Азизова Г.Г. Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг касбий-педагогик фаолиятини такомиллаштириш (инглиз тили материаллари мисолида).

⁴Халилова Н.И. Ўсмирлик даврида ўзини ўзи назорат қилиш шаклланишининг психологик хусусиятлари: псих. фан. ном. дисс.автореф. – Тошкент, 2010. – 24 б.; Тожибоева Г.Р. Мактаб психологининг низоли вазиятлардаги психокоррекция фаолияти хусусиятлари (ўсмир ўқувчилар мисолида): псих. фан. бўйича фалсафа док. (PhD) дисс. автореф – Тошкент, 2018. – 53 б.; Холйигитова Н.Х. Ўқувчилардаги касб мотивлари барқарорлигига гуруҳий жипсликнинг таъсири: псих. фан. бўйича фалсафа док. (PhD). дисс.автореф. – Тошкент, 2019. – 46 б.; Абдурахмонова З.А. Ўқитувчи ва ўқувчининг ҳамкорлик фаолиятини ташкил этишнинг педагогик-психологик хусусиятлари // Замоनावий таълим. – Тошкент, 2017. - № 9. – Б. 17-21.; Маджитова Н.Х. Умумий ўрта таълим мактабларида психологик ёрдам кўрсатишнинг илмий- амалий жиҳатлари // Замоनावий таълим. – Тошкент, 2017. - № 2. – Б. 47-53.; Лейтес Н.С. Возрастная одаренность школьников: Учебное пособие для студ. пед. вузов/ - М.: Академия, 2000.№ 3. – С. 48-64.; Баграмянц М. О некоторых аспектах создания развивающей среды для одаренных детей // Прикладная психология и психоанализ. – 2004. - N 2. - С. 30-36.; Барбитова А.Д. Использование средств личностно-ориентированного воспитания при работе с одаренными детьми // Одаренный ребенок. – 2007. - N2. - С. 130-134; Бельская Н.А. Особенности эмоционально-мотивационной сферы личности высококреативного подростка // Одар. ребенок. - 2011. - № 2. - С. 153-156.; Дружинин В.Н. Психология общих способностей. - СПб.: Питер-Ком, 2000. - 356 с.; Ильин Е.П. Психология творчества, креативности, одаренности. - СПб., 2011. - 448 с.; Канеман Д. (DanielKahneman) Внимание и усилие /Под ред. А.Н. Гусева /пер. с англ. И.С.Уточкина. — М.: Смысл, 2006. — 287 с.; Антонова И.Г. Одаренные дети и особенности педагогической работы с ними // Одар. ребенок. - 2011. - № 1. - С. 46-51.; Афанасьева В.Н. Дидактика для одаренных детей // Одар. ребенок. - 2010. - № 6. - С. 50-55.

⁵Ваҳобов М.М. Умумий ўрта таълим тизимида ўқитиш сифати мониторинги моделини такомиллаштириш: пед. фан. док.дисс.автореф. – Тошкент, 2016. – 81 б.; Аҳмедова Н.К. Умумий ўрта таълим мактаблари раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш: пед. фан. бўйича фалсафа док. (PhD) дисс.автореф – Тошкент, 2017. 58 б.; Ярматов Р.Б. Иқтидорли ўқувчиларни тарбиялаш ва ривожлантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш: пед. фан. бўйича фалсафа док. дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – 53 б.; Тайлакова Ш.Н. Ўқувчи – ёшлар маънавиятини оммавий ахборот воситалари асосида такомиллаштириш (телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар ва интернет хабарлари мисолида): пед. фан. бўйича фалсафа док. (PhD) диссавтореф. -Тошкент, 2018. – 51 б.; Жамолдинова О.Р. Ёшлар соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришда узвийлик ва узлуксизлик тамойиллари амал қилишининг педагогик механизмларини такомиллаштириш: пед. фан. док. дисс.автореф -Тошкент, 2015. – 86 б.; Ходжаев Б.Х. Умумтаълим мактаби ўқувчиларида тарихий тафаккурни модернизациялашган дидактик таъминот воситасида ривожлантириш: пед. фан. док.дисс.автореф. – Тошкент, 2016. - 82 б.; Шермухаммадов Б.Ш. Ёшлар орасида миллий ғоя тарғиботи самарадорлигини ошириш («Қамолот» ёшлар ижтимоий харакати фаолияти мисолида): пед. фан. док. диссавтореф. – Тошкент, 2016. – 87 б.

⁶Акинина Н.В. Подготовка учителей начальных классов к обучению младших школьников разговорной речи на иностранном языке: Автореф. канд.пед.наук. – Москва, 2003. – 20с. – С. 4-5.; Левченко В.В.

Европа мамлакатларида В.С.Аванесов, А.А.Красноборова, М.Б.Чельшкова, А.Д.Сохен, Тим МакНамара, А.Хьюз, Сристиан Коомбе, Andrew Harrison, John W.Oller, Adrian S.G. Palmerлар каби чет эл олимлар изланишлар олиб борганлар.⁷

Бошланғич синфларда чет тил ўқитиш масалалари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларга чет тил таълимини ташкил этишнинг мазмун-моҳиятини таҳлил қилиш ва ўқитиш технологияларини такомиллаштириш зарурати тадқиқотимиз мавзусини белгилаб берди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг № ПЗ-2016-0910145757 “Халқ таълими ходимларининг малака ошириш курсларидан кейинги фаолиятларини педагогик қўллаб-қувватлаш технологияларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий лойиха доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бошланғич синфларда чет (инглиз) тили ўқитиш технологияларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

инглиз тили ўқитиш методлари ва технологияларини ўрганиш;

бошланғич синфларда инглиз тили ўқитиш мазмунини, дастур ва дарсликларини таҳлил қилиш;

бошланғич синфларда инглиз тили ўргатишдаги қийинчиликларини аниқлаш;

бошланғич синф ўқувчиларига инглиз тили ўргатишда ўқитиш технологияларидан фойдаланиш усул ва йўллариини ўргатиш;

педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш, ўтказиш ва тадқиқот натижалари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Интегрированный подход к подготовке учителей начальных классов с правом преподавания иностранного языка.: Дис. канд.пед.наук. – Самара, 2002. – 183 с.; Стручева Т.М. Профессиональная подготовка учителя к реализации технологий развивающего обучения младших школьников.: Дис. канд.пед.наук. – Москва, 1997. – 247 с.; Тарасова Е.И. Индивидуально-ориентированная система подготовки будущего учителя технологии к обучению младших школьников.: Дис. канд.пед.наук. – Брянск, 2004. – 244 с.; Иванова Е.Г. Методика обучения в сотрудничестве на начальном этапе средней общеобразовательной школы: на материале английского языка.: Дис. канд.пед.наук. – Москва, 2003. – 212 с.;Рамазанова В.Б. Методика использования игровых технологий в обучение английскому языку учащихся начальных классов ругульской школы.: Дис. канд.пед.наук. – Москва, 2003. – 212 с.

⁷ Аванесов В.С. История возникновения тестов. – М., 2000; Красноборова А. А. Критериальное оценивание как технология формирования учебно-познавательной компетентности учащихся, 13.00.01, кандидат наук, – Нижний Новгород -2010; Чельшкова М.Б.Теория и практика конструирования педагогических тестов: Учебное пособие. – М.: Логос, 2002. – 432 с.; А. D. Cohen Assessing Language Ability in the Classroom. 1994; Christine Coombe, Keith Folse, Nancy Hubley. A practical guide to assessing English language learners. University of Michigan, 2007. – 202 p. Harrison A.A. Language testing handbook. Macmillan Press. 1993–P-145. John. W. Oller. Issues in language testing research. Rowley, Massachusetts, 1983.–P-388. Bachman Lyle F. and Adrian S.Palmer. Language Testing in Practice. Designing and developing useful language tests. Oxford University Press 1996.–374.P-23.

Тадқиқотнинг объекти сифатида бошланғич синфларда чет (инглиз) тили ўқитиш технологияларини такомиллаштириш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети бошланғич синфларда инглиз тили ўқитиш технологияларини такомиллаштиришнинг мазмуни, шакл ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган назарий (таҳлилий-синтетик, қиёсий-таққослаш, моделлаштириш), диагностик (сўровлар, тест ўтказиш, кузатиш, лойиҳалаштирилган методикалар), прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш), педагогик эксперимент ва математик методлар (маълумотларни статистик қайта ишлаш, натижаларни график тасвирлаш) каби усуллар қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бошланғич синфларда чет тил ўқитиш тизими ўқувчиларда маънавий тафаккурни тарбиялаш ва ўзлигини англашга ёрдам берувчи миллий менталитет, маданият, қадриятлар, урф-одатлар, турмуш тарзини саҳналаштириш элементларидан (аутентик асарлардан лавҳалар ижро этиш) фойдаланиш каби технологиялар орқали такомиллаштирилган;

бошланғич синф ўқувчиларининг билимини баҳолашга бўлган муносабатни ўзгартириш ва уларнинг интеллектуал профилини ҳисобга олган ҳолда ўқув жараёнида ўқувчиларнинг "кучли томонларига" таяниш ва "кучсиз" томонларини ривожлантиришда, ҳар бир ўқувчига уйғун ва индивидуал ёндашувни таъминлаган ҳолда методикага «ақлли ёндашув» (intellectual approach) амалиётга жорий этилди;

умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синф ўқувчиларини "Инглиз тили" фанидан дастур ва дарсликлари таҳлил қилиниб, инглиз тилини ўқитишда нутқ фаолияти турлари (тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзув)ни эгаллаш даражалари, лексик, грамматик ва фонетик қийинчиликлар типологияси аниқланди ва уларни бартараф этишда креатив лойиҳалаш технологияларидан фойдаланишнинг методик таъминоти ишлаб чиқилган;

бошланғич синф ўқувчиларининг прагматик компетентлигини шакллантириш ва уларнинг нутқий кўникмалари ва тил ўрганишга бўлган қизиқишларини янада оширишга қаратилган дидактик, имитацион, сюжетли, коммуникатив, ролли технологияларни интеграциялаш асосида такомиллаштирилди;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бошланғич синфларда чет (инглиз) тили ўқитишда саҳналаштириш, креатив лойиҳалаш технологияларидан фойдаланишнинг методик таъминоти ишлаб чиқилган;

ўрта мактабнинг бошланғич синфларида инглиз тили дарслари учун ёрдамчи «My English book» методик қўлланмаси нашр этирилган;

интеллектуал ёндашув асосида ўқувчиларнинг реал билиш имкониятларинг дидактик таъминоти такомиллаштирилган;

чет тил ўрганишда саҳналаштириш элементлари ёрдамида

ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари тўғрилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг билиш назарияси методологияси ҳамда педагогик таълим соҳасидаги республика ва чет эл олимлари шунингдек, амалиётчиларнинг ишларига асосланганлиги; тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдирувчи тадқиқот методларининг қўлланганлиги; тажриба-синов ишларининг таҳлили ва тадқиқот натижаларининг миқдор ва сифат жиҳатидан таъминланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кичик мактаб ёшидаги болаларга чет тилларни ўқитиш тизимида тилга оид давлат сиёсатини амалга ошириш стратегияси, хорижий тилни эрта ўқитишнинг такомиллаштирилган технологиялари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шу билан аниқланадики, умумий ўрта таълим муассасаларида дарслик, ўқув қўлланма, ўқув дастурларини ишлаб чиқишда бошланғич синфларда инглиз тилини ўқитиш мазмуни таҳлили, инглиз тили фани бўйича дастур ва дарсликлар таҳлили ҳамда бошланғич синф ўқувчиларига инглиз тилини ўргатишда ўқитиш технологияларидан фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бошланғич синфларда чет (инглиз) тили ўқитиш технологияларини такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлари асосида:

кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни дифференциал технологиялар асосида ўқитиш, нутқий кўникмаларини ўстириш ва тил ўрганишга бўлган қизиқишини янада ортиришга қаратилган методик тавсияларидан ОТ-А1-118-рақамли “Ўзбекистон Республикасида кўп қиррали маданий таълим муҳитида ўқитишнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш” мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус вазирлигининг 2020 йил 17 мартдаги 89-03-1142-сон маълумотномаси). Натижада, ўқувчилар топшириқларни руҳий зўриқишсиз, осон ва муваффақиятли бажаришга кўмаклашадиган педагогик усуллар ва технологиялар такомиллаштирилган;

бошланғич синфларда инглиз тили ўрганишда аниқланган қийинчиликларни ҳар бир ўқувчига уйғун ва индивидуал ёндашган ҳолда, “ақлли ёндашув” (intellectual approach) асосида бартараф этиш бўйича ишлаб чиқилган тавсияларидан ўқув дастурларининг таркибий қисмларини, янги авлод ЎУМ яратишда ва ўқув ишларини такомиллаштиришда фойдаланилган (Республика таълим марказининг 2019 йил 21 январдаги 01\11-01\7-42-сон маълумотномаси). Натижада, таклиф этилган ёндашув ўқувчиларнинг чет тилдаги коммуникатив компетенциясини ривожлантириш самарадорлигини оширган;

“My English book” методик қўлланмасида таклиф этилган дидактик материаллар, жумладан саҳналаштирилган дарслар, имитацион, сюжетли,

мулоқотга асосланган ролли ўйинлар, интерфаол машғулотлар орқали бошланғич синф ўқувчиларининг коммуникатив компетенциясини шакллантиришга хизмат қилган (Республика таълим марказининг 2019 йил 15-октябрдаги 01\11-01\07\2279-сон маълумотномаси). Натижада, замонавий талаблар асосида методик адабиётлар тайёрлаш бўйича марказнинг дарсликлар базаси яна бир илмий-амалий ёрдамчи манба билан бойитилган;

креатив, лойиҳалаш, ахборот-коммуникацион технологиялар орқали такомиллаштирилган бошланғич синфларда инглиз тилини ўқитишнинг дидактик таъминотидан А-1-219 рақамли “Таълим тизимида хорижий тил (инглиз) йўналишидаги олий таълим таълим муассасаларида Умумевропа компетенциялари (CEFR) бўйича С1 даражасини эгаллашни таъминлайдиган ўқув-услубий мажмуа яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус вазирлигининг 2020 йил 17 мартдаги 89-03-1142-сон маълумотномаси). Натижада, бошланғич синф ўқувчиларининг инглиз тилида тафаккурини ривожлантирувчи креатив топшириқлар ишлаб чиқилган;

бошланғич синфларда инглиз тили ўқитишнинг педагогик, методологик ва психологик хусусиятлари тўғрисидаги назарий хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ДУК “Маданий-маърифий ва бадий эшиттиришлар” муҳарририяти томонидан болалар учун тайёрланган “Инглиз тили сабоқлари” ва “Таълим ва тараққиёт” номли эшиттиришлар сценарийларини тайёрлашда (2019-2020 йиллар давомида) фойдаланилган (“O’zbekiston” ДУК телерадиоканалининг 2020 йил 4 декабрдаги 04\25-1220-сон маълумотномаси). Натижада, бошланғич синф ўқувчиларига лингвистик компетенцияни эгалланишига хизмат қилувчи машқларнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлаш ҳамда коммуникация ва интеракцияга эришиш, янги педагогик технологияларини кўллаш методикаси оммалаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАКнинг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия қилинган илмий нашрларда 5 та, жумладан, 4 та республика ва 1 та хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 125 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг танланиши, унинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари белгиланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти таърифланган. Тадқиқот натижаларининг жорий қилингани, синалгани, эълон қилингани, диссертациянинг ҳажми ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Бошланғич синфларда чет (инглиз) тили ўқитиш технологияларини такомиллаштиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида ўқитиш технологияси, унинг мазмун-моҳияти, инглиз тилини ўқитиш методлари ва технологиялари таҳлил қилинган.

Таълим амалиётида турли мақсадлар қўйилади ва уларга эришилади, кўплаб муаммолар турли усуллар, методлар ёки технологиялар асосида ҳал этилади. Худди шу мақсадга эришиш учун турли технологиялар, усуллар, услублар, воситалар ёки жараёнлардан фойдаланиш мумкин. Аммо улардан самарали фойдаланиш, озми-кўпми харажатлар ва ресурсларни талаб қилади.

Амалиётда баъзан «метод» ва «технология» тушунчалари бир хил мазмунда қўлланилади. Аслида эса, метод – мақсадга эришиш йўли, усуллари йиғиндиси сифатида яхлит таълим жараёнининг алоҳида таркибий қисми ҳисобланади. «Метод» билан бирга «усул» атамаси ҳам қўлланилса-да, бироқ, бу сўзлар ҳам айнан бир хил маънога эга эмас. Метод ўқув мақсадига эришиш йўли бўлса, усул методнинг алоҳида томони ёки таркибий қисмидир. Масалан, бошланғич синфларда ўқитувчилар томонидан кўп фойдаланадиган машқ – манбасига кўра амалий метод ҳисобланса, уни қўллаш эса бир неча усуллар (машқнинг қондасини ўқиб бериш (1-усул), биттасини намуна сифатида бажариб кўрсатиш (2-усул), ўқитувчининг намунаси асосида ўқувчилар томонидан машқнинг бажарилиши (3-усул), ўқувчилар томонидан бажарилган машқларни текшириш ва хатоларини тузатиш (4-усул) ва бошқалар ёрдамида амалга оширилади.

Ўқитиш технологияси – таълим мақсадларини муваффақиятли амалга оширишга имкон берадиган назарий жиҳатдан асосланган таълим ва тарбия жараёнларини ошириш воситалари ва усуллари тўплами. Ўқитиш технологияси бир нечта ўзаро боғлиқ қисмлардан иборат:

1) фаолият усулларини белгилаш (дидактик жараёнлар). Дидактик нуқтаи назардан, ўқитиш технологияси – унинг алоҳида элементлари учун таълим тизимини амалга оширишни тасвирлайдиган амалий методларни ишлаб чиқиш;

2) ушбу фаолиятни амалга ошириш шартлари (таълимнинг ташкилий шакллари);

3) ушбу фаолиятни амалга ошириш воситаси⁸.

⁸Понятие технологии обучения. Электронный ресурс: [https:// www.gumer.info/bibliotekBuks/ Pedagog/konspekt/63.php](https://www.gumer.info/bibliotekBuks/Pedagog/konspekt/63.php). Дата обращения: 06.01.2020.

Ўқитиш жараёнида методика ва технология тушунчаларининг мазмун-моҳиятини англашни талаб қилади. Методика таълим, тарбия ва бошқа турли усулларнинг тўпламидир ҳамда уларни педагогик жараёнда бевосита амалга оширишда муайян мантиққа айлантормайди. Технология ҳар доим маълум бир мантиқ, педагогик усуллар ва техникалар кетма-кетлигининг режалаштирилган натижаларини олишни кафолатлайдиган технологик ҳаракатлар занжирини назарда тутди. Амалиётда ўқитиш технологияларининг қуйидаги турлари мавжуд.

Бугунги кунда тушунчанинг иккита таркибий қисми фарқланади: ўқитиш технологияси ва ўқитишда технологиялар. Ўқитиш технологияларининг энг муҳим хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

а) натижавийлик (ҳар бир таълим олувчининг белгиланган таълим мақсадига эришишнинг юқори даражаси);

б) иқтисодий самарадорлик (бир вақтнинг ўзида катта миқдорда таълим материалларини ўзлаштириш учун энг кам ҳаракат);

в) эргономика (таълим ҳамкорлик муҳитида бир вақтнинг ўзида катта миқдорда таълим материалларини ўзлаштириш учун энг кам ҳаракат амалга оширилади);

г) юқори мотивация (масъулотларга қизиқиш ва энг яхши шахсий фазилатларни яхшилашга имкон беради).⁹

Бундан ташқари инглиз тилини ўқитишда соғлиқни сақлаш технологиялари ҳамда индивидуал ва табақалаштирилган ёндашувлар ҳам мавжуд.

Таълим жараёни алоҳида ташкил этиладиган ҳамда бошқариладиган фаолият бўлиб, у ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил этади ва уларни бошқаради. Таълим жараёни қуйидаги элементлардан иборат:

- таълимнинг мақсади – нима учун ўқитиш керак;
- таълимнинг методлари, усуллари ва педагогик мулоқот йўллари;
- таълим берувчи (ўқитувчи) ва таълим олувчи (ўқувчи).

Таълимнинг психологик асослари муаммоси кўпгина масалаларни камраб олади. Таълимнинг муваффақияти бир қатор психологик омилларга боғлиқ бўлади. Аввало, ўқувчининг ўқишга бўлган муносабатига тўхталайлик. Бу муносабат диққат, ҳис-гуйғулар, қизиқишлар ва ирода, шахснинг тутган йўлида намоён бўлади. Таълим жараёни, аввало, ўқувчилар диққатини жалб қилишни талаб этади. Дарсларда кўргазмали қуроллар, техник воситалардан фойдаланиш таълим олувчида ихтиёрсиз диққатни юзага келтиради. Таълим жараёнида таълим берувчининг вазифаси дарсда ишлаш ҳолатини юзага келтиришигина эмас, балки ўқувчиларнинг дарсда ўтиладиган материалларни идрок этишга тайёр туришларини кузатиш ҳамдир. Дарс жараёнида ўқувчиларнинг диққати ўзгариб туради. Ўқитиш жараёнида бу қонуниятларни назарда тутиш ва ўқувчилар диққатини материалнинг асосий жиҳатларига жалб этиш ҳамда уларни такрорлаш керак.

⁹Девтерова З.Р. Современные технологии обучения иностранному языку в вузе. Электронный ресурс: <https://cyberleninka.ru/article/n/sovremennye-tehnologii-obucheniya-inostrannomu-yazyku-v-vuze>. Дата обращения: 06.01.2019.

Таълим жараёнининг самарадорлиги кўп жиҳатдан ўқитувчи томонидан бериладиган кўрсатмаларга ҳам боғлиқ. Ўқитувчининг роли шундан иборатки, у ўқувчиларга тегишли кўрсатмани ҳосил қилиши, кўрсатмани вақтинча ёки умрбод эсда олиб қолиш кераклиги, кўрсатмани бутунлай хотирада олиб қолмасдан, фақат тушуниб олиш кифоя қилиши, кўрсатмани сўзма-сўз эсда сақлаб қолиш, кўрсатманинг маъносини ўз сўзлари билан айтиб бериш учун эсда сақлаб қолиш зарурлигини кўрсатиб ўтиши лозим.

Мактабга келиш арафасида боланинг сўз бойлиги ўз фикрини баён эта оладиган даражада ортади. Бу ёшда меъёр асосида ривожланаётган бола ўз нутқида 500–600 та сўзни ишлатади. Бошланғич синф ёшидаги болалар нутқи, асосан, от, феъл, сифат, сон ва боғловчилардан иборат бўлади. Бу ёшдаги болалар ўз нутқларида қандай сўзларни ишлатгани афзалу, қандайларини ишлатиш мумкин эмаслигини фарқлай оладилар. 6–7 ёшли бола ўз жумлаларини мураккаб грамматик тизимда туза олади. Бола бутун болалик даврида нутқни жадал равишда эгаллаб бориб, нутқни ўзлаштириши маълум бир фаолиятга айлана боради. 7–9 ёшли болаларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири – бола нутқида ўз фикрини баён этибгина қолмай, балки ўз суҳбатдошининг диққатини ўзига жалб қилиш учун ҳам нутқ тузишга ҳаракат қиладилар.

Бошланғич синфларда чет тилни ўрганиш – бу тил ҳақида маълумот олиш ва уни ўзлаштиришига эмас, балки ўқувчининг фаол мулоқотга киришиш жараёни ҳамдир. Чет тилларни ўрганишда энг оддий, энг содда йўлларни излаш ва қўллаш муҳимдир. Бошланғич синфларда чет тилни ўргатишдан кўзланган мақсад ўқувчиларни шу тилда мулоқот, муомала қила олишга ўргатишдир. Чет тилда муомала қила олиш учун ўқувчилар шу тилдаги сўз бойликларини эгаллашлари зарур бўлади. Тилдаги сўз бойликларини эгалламай туриб, на тинглаб тушуниш, на гапириш мумкин эмас.

Бошланғич синфдан чет тилни ўрганиш бола имконияти ва қобилияти қандай бўлишидан қатъий назар фойдалидир, чунки чет тил боланинг билиш жараёнлари – хотира, диққат, тафаккур, хаёл ва идрокининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Чет тил болани тил ўрганиш қобилиятинигина эмас, балки ўз она тилисини ҳам яхши ўзлаштиришига таъсир кўрсатади. Чет тил ўқитувчиси нафақат ўз фанини, балки боланинг психо-физиологик хусусиятларини ҳам ўрганишлари зарур бўлади. Зеро, чет тилини ўзлаштириш орқали болада объектив оламни билиш, ўрганиш жиҳатлари намоён бўлади. Тилнинг луғат таркибини эгаллаш ўқувчиларнинг дунёқарашини кенгайтиради, уларнинг филология, тарих, маданият, географияга оид билимлари ҳам мустаҳкамланади.

Шундай қилиб, бошланғич синф ёшидаги болаларнинг психологик хусусиятларини ҳисобга олиш ва уларни янада ривожлантириш бошланғич синфда чет тилни ўқитиш жараёнининг муваффақиятли бўлишида муҳим омил ҳисобланади. Ҳар бир ўқувчига индивидуал ёндашувни топиш жуда муҳим ва бунга бошланғич синф ўқитувчиси билан чет тил ўқитувчисининг доимий алоқалари, ота-оналар билан ишлаш ва уларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштириш ёрдам бериши мумкин. Болалар билан (шунингдек, ҳар

қандай ёшдаги ўқувчилар билан) биринчи учрашув, ўқитувчининг майин овози ва дўстона табассуми ҳамда унинг ўқувчиларга бўлган меҳр-муруввати ҳам катта аҳамиятга эга бўлади.

Диссертациянинг «**Бошланғич синфларда чет (инглиз) тил ўқитиш технологиялари**» деб номланган иккинчи бобида бошланғич синфларда инглиз тилини ўқитиш мазмуни, дастур ва дарсликлар таҳлили, инглиз тилини ўқитиш қийинчиликлари ҳамда ўқитиш технологияларидан фойдаланиш масалалари ёритилган.

Инглиз тилини ўқитишнинг замонавий метод ва ёндашувларнинг афзалликлари куйидаги 1- жадвалда ўз ифодасини топган.

1-жадвал.

Замонавий метод ва ёндашувларнинг афзалликлари

№	Метод ва ёндашувларнинг номи	Муаллифлар	Афзалликлари
1.	Коммуникатив ёндашув асосида чет тилни ўқитиш (Communicative Language Teaching (CLT))	Э.И.Пассов (E. I. Passov)	Коммуникатив ёндашув асосида чет тилни ўқитиш талабларида гуруҳда ишлаш, ўз фикрини мустақил баён эта олиш, бир-бирини тинглаш, савол бериш ва унга мантиқан жавоб қайтара олиш қобилиятини ривожлантиради
2.	Компетенцияга йўналтирилган тил ўқитиш (Competency-Based Language Teaching (CBLT))	Э.А.Шнек (E. A. Schneck)	Ушбу метод ўқувчиларда коммуникатив компетенцияни ва унинг компонентлари бўлган лингвистик, прагматик, социолингвистик, дискурсив, ижтимоий маданий компетенцияларини эгаллашга ёрдам беради
3.	Табиий ёндашув (The Natural Approach (NA))	Т.Террел (T. Terrel)	Ушбу ёндашув тилни табиий ўрганишга қаратилган бўлиб, турли хил коммуникатив машқ, ўйин ва диалоглар тузиш, ижро этиш орқали коммуникатив компетенцияни эгаллашга эришилади.
4.	Жамоа бўлиб тилни ўрганиш (Cooperative Language Learning (CLL))	Дж.Девей (J. Dewey)	Жамоа бўлиб тилни ўрганиш методи ўқувчиларда жамоада эркин мулоқот юритиш, ўз фикрини тушунтира олиш, уни исботлаш, бир-бирини тинглаш

			ва ўзаро ҳурмат қилиш кўникмаларини ривожлантириш имконини беради
5.	Оғзаки ва вазиятлар асосида тилни ўқитиш (The Oral Approach and Situational Language Teaching)	Ҳ.Палмер А.Хорнби (H. Palmer, A. Hornby)	Мазкур ёндашув ўқувчиларни турли вазиятларда фикрларини қийинчилик-ларсиз баён этишлари ва дуч келган муаммоларга ечим топа олиш кўникмаларини ривожлантириш имконини беради
6.	Матнга йўналтирилган инструкция (Content-Based Instruction (CBI))	К.Дж.Брутон (C. J. Bruton)	Матн ёки мавзу асосида тилни ўрганиш ўқувчиларда мотивацияни уйғотади ва коммуникацияга киришларини осонлаштиради
7.	Машқ ва топшириқларга йўналтирилган тарзда тилни ўқитиш (Task-Based Language teaching (TBLT)) [89].	Дж.Виллис (J. Willis)	Мазкур метод тилни машқ ва топшириқлар ёрдамида ўргатишни тақозо этади. Унда ўқувчилар танқидий мушоҳада юритишлари, мустақил ишлашлари, оғзаки ва ёзма нутқни пухта эгаллаш имконини яратади

Умумий ўрта таълим мактабларида “Инглиз тили” фанидан дастур, дарсликлар таҳлил қилиниб, қандай мавзулар ўрганилиши ҳамда дастур ва дарслик мавзулари, соатлар ҳажми тўғри келмаслиги аниқланди.

1-синф дастурида “Ранглар” ва “Ўйинчоқлар” мавзулари алоҳида 2+2 соат, “Kid’s English 1” дарслигида эса “Toys and colours” мавзусига 4 соат, дастурда “Ҳайвонлар” мавзусига 8 соат, Kid’s English 1 дарслигида эса “Domestic animals”, “Wild animals” мавзулари алоҳида 4-4 соат ажратилган. 1-синф учун “Инглиз тили” фани бўйича 14 та мавзу 56 соатдан ҳамда такрорлаш мавзулари 10 соатдан иборат.

2-синф дастурида “Вақт” ва “Менинг мактабим” мавзулари “Kid’s English 2” дарслигида “My school” ва “Time” мавзулари кетма-кетлигига амал қилинмаган. 2-синф учун “Инглиз тили” фани бўйича 14 та мавзу 56 соатдан ҳамда такрорлаш мавзулари 12 соатдан иборат.

3-синф дастурида мавзулар “Kid’s English 3” дарслигидаги мавзулар кетма-кетлигига амал қилинмаган, соатлар ҳажми ҳам тўғри келмайди, “We are small” мавзуси умуман дастурда мавжуд эмас. 3-синф учун “Инглиз тили” фани бўйича 11 та мавзу 56 соатдан ҳамда такрорлаш мавзулари 12 соатдан иборат.

4-синф дастурида 8 соатга мўлжалланган “Дўкон ва бозорда” мавзуси “Kid’s English 4” дарслигида иккига ажратилиб, 4 соат ҳажмида “Shops” ва “At the market” мавзулари берилган. Шу сабабли кейинги мавзуларнинг

кетма-кетлигини учратиш мумкин. 4-синф учун “Инглиз тили” фани бўйича 13 та мавзу, 56 соатдан ҳамда такрорлаш мавзулари 12 соатдан иборат

Инглиз тилида нутқ фаолияти турлари (тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзув)ни эгаллаш даражалари бўйича қийинчиликлар қуйидагилардан иборат:

- а) сўзлар устида ишлаш;
- б) сўз бирикмалари ёки иборалар устида ишлаш;
- с) боғланишли нутқ устида ишлаш;
- д) ўқиш механизмини ҳосил қилиш;
- е) оғзаки ўқиш техникасини ўстириш;
- ф) ўқиганини тушинишга ўргатиш;

Инглиз тилида лексик, грамматик ва фонетик ҳодисалар орқали тил материални ўзлаштириш бўйича қийинчиликлар қуйидагилардан иборат:

а) ўқувчиларда тўғри инглизча талаффуз кўникмаларини ўстириш ва ўрганилаётган тил материални ўз ичига олган грамматик структураларни интонацион жиҳатдан тўғри ишлатилишига эришиш;

б) грамматик структураларни тинглаб тушуниш ва гапириш жараёнида бошланғич босқичда ўрганиш учун танлаб олинган лексик материал билан тўлдириш ҳамда савол-жавоб характерига эга бўлган машқлар ёрдамида тўғри талаффуз қилишга, оғзаки нутқда қўллашга ўргатиш;

в) лексик бирликлардан грамматик структураларни ўрганишда унинг айрим қисмларининг ўрнини алмаштириб турли гаплар тузиш ва ўрни алмаштирувчи машқлар ёрдамида нутқ фаолиятининг бошқа турларини ўрганиш учун замин тайёрловчи восита сифатида фойдаланиш;

д) инглиз тили алфавитидаги кириш курсида инглиз тили ҳарфларини, ҳарф бирликларининг ёзилиши ва ўқилишини ўрганиш.

Инглиз тилини ўрганиш биринчи қарашда қийин ва имконсиз бир вазифа деб туюлиши мумкин. Керакли муваффақиятга эришиш учун иш жараёнини тўғри ташкил қилиш ва умумий хатолардан қочишга ҳаракат қилиш керак. Ниҳоят, энг кенг тарқалган камчиликларга батафсил эътибор қаратамиз. Инглиз тили ўрганишда кўпчилик йўл қўядиган асосий хатолар мавжуд. Улардан бири бу талаффуздаги хатолар:

қисқа ва чўзиқ унли товушлар талаффузидаги чалкашликлар;

дифтонгларни талаффуз қилишдаги муаммолар (масалан, уларни normal унли товушлар билан алмаштириш);

"th" ҳарфлар бирикмасининг талаффузи. Кўпинча "з" ёки "с" деб талаффуз қилинади, бу эса ёмон аксланишга олиб келади. Асарият инглиз тилини ўрганувчилар ушбу ҳарф бирикмасини тўғри талаффуз қилишда қийналадилар;

сўз охиридаги ундошлар;

нотўғри урғуни белгилаш. Қўшма сўзлар ҳақида гапирадиган бўлсак, бу муаммо кўп тил ўрганувчиларда учрайди. Шунинг ёрдамида тутиш керакки, агар имло бир хил бўлса ҳам, сўз туркумларининг турлисига мансуб бўлиши мумкин. Унинг талаффузи сезиларли даражада ўзгариши мумкин (progress, protest, export ва ҳоказо);

